

# Шавкат Мирзиёев «Отан корғаушылар» монументига гул қўйди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 6 декабрь куни Нур-Султон шаҳридаги "Отан корғаушылар" ("Ватан ҳимоячилари") монументига гул қўйди.

Ушбу ёдгорлик Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган қозоғистонлик жангчилар хотирасига бағишилаб бунёд этилган. Унинг баландлиги 37 метр. Монумент марказида Ватан тимсоли - она тасвирланган.

Хорижий давлатлар раҳбарлари бу ёдгорликка гул қўйиб, Қозоғистон халқига ҳурмат-эҳтиромини билдирадилар.



O'zbekiston Respublikasi Prezidentining  
MATBUOT XIZMATI



**Манба**